



Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>t.me/farhaqiqati

ДЕПУТАТ МУАММО ҚЎЯДИ:

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ” дан чиқаришнинг “Фарғонача” усулими?



Бу “тажриба”ми
ёки бошқа туман-
шаҳарларда ҳам
ҳолат шуми?

Фарғона туманининг 4974 нафар хотин-қизларини “Аёллар дафтари”дан чиқариш масаласи 2022 йилнинг 30 декабрь куни ўтказилган халқ депутатлари туман Кенгашининг 66-сессияси кун тартибига ўйди. Лекин Кенгаш раиси “Вилоятда фақат бизнинг туман аёлларни “дафтар”дан чиқаришда орқада қолибди, бундай ҳолат шайимизга яхши бўлмайди”, деб билдирган таклифи кўпчилик депутатларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган бўлса-да, масала ихтиёрий-мажбурий тарзда сессия кун тартибига киритилди. Шу боис, туман оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Г.Каримованинг аёлларни “дафтар”дан чиқариш бўйича юзаси ахборотиغا эътирозлар кўп бўлди.

Салкам беш минг нафар хотин-қизларнинг ижтимоий ҳолати, турмуш тарзини ўрганмай “кўтараси”га “Аёллар дафтари”дан чиқариш чиндан ҳам таассуфлидир. Сессиядан кейин Кенгашга тақдим қилинган ва рўйхатдан чиқарилган хотин-қизларнинг бугунги фаолиятлари юзасидан баъзи маҳалла фуқаролар йиғини кесимида ўрганишлар олиб борганимизда ачинарли ва таъвишли ҳолатларнинг гувоҳи бўлдик.

“Обод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 59 нафар ёрдамга муҳтож хотин-қизларни рўйхатдан чиқаришга улар мактаб ва ошхонага фаррошликка, “Агропилла” МЧЖга ипак қўрти боқувчиликка, “Баҳодир Лоғон” МЧЖга ишчи сифатида жойлаштирилиб, бандлиги таъминланганлиги, шунингдек, 15 сотих ер берилгани асос қилиб олинган. Аммо ҳақиқий ҳолат бошқача бўлиб чиқди. Масалан, маълумотномада шароити оғир У.Собирова тумандаги касбга тайёрлаш марказида тикувчилик соҳасига ўқитилгани ёзилган. У билан суҳбатлашганимизда, ҳозирга қадар ишсизлигини, ҳеч ким уни бирор ўқишга тақлиф қилмаганини айтиб ўтди.

Шунингдек, ижтимоий ёрдамга муҳтож Т.Алимовага тикув машинаси берилгани ёзилган маълумотномада. Аслида эса бу “совға” фақат қоғозда эканлиги аён бўлди. М.Ҳайитовага эса “Дилкушо” маҳалла

фуқаролар йиғини ҳудудидан ўн йил муддатга ижарага ер ажратилгани кўрсатилган. Ўрганишимиз давомида бу жимжимадор ёзув ҳам ёлғон бўлиб чиқди.

“Қораянтоқ” маҳалла фуқаролар йиғини бўйича 70 нафар хотин-қизлар рўйхатдан чиқарилди. Жумладан, маълумотнома бўйича шу ҳудудда яшовчи Ф.Тошибоева ва Ш.Олтинбоевага 15 сотихдан ер берилган. Ваҳоланки, уларнинг ўзлари бундай “хушхабар”дан беҳабар экан. Очиқ мулоқотимиз чоғида ҳеч ким ҳеч қандай ёрдам кўрсатмагани ойдинлашди. К.Қобилова, Е.Маматова, Х.Садихонова эса гўёки “Ишга марҳамат” мономарказига ўқишга йўналтирилган бўлса, И.Ўринова, Ф.Мамажонова, О.Мусаева, Ш.Мўминова, Э.Сарибоеванинг бандлиги таъминланиб, бирига 15 сотих ер берилган, бошқаси 63-ўрта таълим мактабига ишга жойлаштирилган, яна бири 80 ёшли қайночасини парваришlashга бириктирилган. Афсуски, ёлғон маълумотларнинг “умри” узокқа бормади. Маҳалла фуқаролар йиғини масъулларининг айтишича, “дафтар”дан чиқарилганларнинг бандлиги пилла қўрти боқишга бириктириш орқали таъминланган.

“Юқори Водил” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи С.Хабилдинованинг Хоразм вилоятига турмушга чиқиб кетгани рўйхатдан чиқаришга асос сифатида кўрсатилган, лекин ўйлаб топилган ёлғон ошкор бўлди. Т.Мирзаевага 1200000 сўм моддий ёрдам берилгани қоғозга битилган. Бунга қараганки, аёл бу маблағни олмаган, анча аввал вафот этган экан.

“Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғинида “Аёллар дафтари”га киритилган 73 нафар ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг 32 нафари “Агропилла” МЧЖга ишга жойлаштирилгани рўйхатда мавжуд. Лекин корхона томонидан тақдим қилган маълумотномада ипак қўрти парваришlashга банд

қилинган 1431 нафар ходимлар рўйхатида “дафтар”дан чиқарилганларнинг исм-фамилиялари топилмади. “Бирдамлик” маҳалла фуқаролар йиғини бўйича “Аёллар дафтари”га киритилган 73 нафар хотин-қизларнинг 18 нафари ҳам шу корхона орқали банд бўлгани қайд этилган. Йиғин масъуллари маълумотларида эса уларга 15 сотихдан ер берилгани, тикув машинаси билан таъминлангани ёки бошқа вилоятга турмушга чиқиб кетгани кўрсатилган.

“Янги аср” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Д.Умарова II гуруҳ ногирони, 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор. Меҳнатга лаёқатсиз бўлгани учун 15 сотих ер олишдан бош тортган. Лекин у ер берилди важи билан рўйхатдан чиқарилгани оқибатида болалар нафақасини олишдан маҳрум бўлган.

Депутатлар ўрганишларидан маълум бўлдики, туманда хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ва кўрсатиладиган ёрдам турини белгилаш лозим бўлган индивидуал дастурлар, йўл хариталари ҳужажурсинга тузилган. Қоғоз бўйича мақтовга арзигулик, ибратли ишлар қилинган, амалда эса бунинг аксини кўриш мумкин. Ҳужжатлардаги чалкашлик, сохтакорлик, кўзбўямачиликларнинг рўйхати узун.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва шу қарор билан тасдиқланган “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги Низомда “Аёллар дафтари”дан чиқариш тартиби белгиланган. Унга кўра, ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг индивидуал дастурга киритилган масалалари тўлиқ ҳал этилиб, ўзини ўзи таъ-

минлаш даражасида мукамал даромад манбаига эга бўлсагина, “дафтар”дан чиқарилади.

Ҳар йилнинг якунида муаммолари ҳал этилган-этилмаганидан қатъи назар, “дафтар”даги хотин-қизларни рўйхатдан чиқариш бўйича тартиб Низомда кўрсатилмаган бўлса-да, туманда қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлар содир этилган. Ҳолбуки, секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи “Аёллар дафтари”га маълумотларни киритиш ва чиқариш, уларнинг ҳаққонийлиги бўйича шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

Ижтимоий аҳоли, турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларни ёлғонлиги рўйхатдан чиқариш Фарғона туманига шараф келтирими-йўқми билмаймиз, лекин шуниси аниқки, сохта ҳужжатларга ишонган ҳолда, 4974 нафар хотин-қизларни “Аёллар дафтари”дан чиқаришга розилик бериб, сессия хатога йўл қўйди.

Назиржон ИСАҚОВ,
халқ депутатлари Фарғона туман
Кенгаши депутати.



Давлат дастури:

ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР



2023 йил 28 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Давлат дастурига кўра, Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 300 тага, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар сони эса 570 тага етказилади.

2023 йил 1 апрелдан бошлаб ногиронлик идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви асосида ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган, шунингдек, нохуш клиник прогнозга эга касалликлар ва асоратларда фуқароларнинг иштирокисиз белгиланади.

32 минг нафар фуқарога бозор таомиллари асосланган ипотека кредитлари, шунингдек, 11 минг нафар фуқарога бошланғич бадал ва фоиз тўловларининг бир қисmini қоплашга субсидиялар ажратиш учун Давлат бюджетидан етарли маблағлар йўналтирилади.

2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 8 триллион сўм, шундан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари учун 4 триллион сўм йўналтирилади.

2023 йилда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 4 триллион сўм ажратилади.

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир туман (шаҳар)нинг биттадан умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларни иккита хорижий тил ва битта касб-ҳунарга ўргатиш амалиёти босқичма-босқич йўлга қўйилади.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш йўлга қўйилади.

2023 йил 1 апрелдан бошлаб мактабгача таълим қамровини кенгайтириш мақсадида янги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини кўп квартиралар уйларида нотура қаватларида ёки яқин тартибда қурилган уй-жойларни сотиб олиш ва кейинчалик уларни таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш орқали ташкил этишга рухсат этилади.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб давлат грантлари коллеж ва техникумларнинг дуал таълим шакли бўйича ҳам ажратилади.

2023 йил 1 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида малакали хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Европа касбий таълим ва касбга ўқиш сифатини таъминлаш тизими талабларига тўлиқ жавоб берадиган 1 тадан намунавий профессионал таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилади.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни бериш босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилади.

2023 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги турдаги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга уч йиллик мораторий ўрнатилади.

2023 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент ва Нукус шаҳарларида ҳамда вилоятлар ва туманларнинг марказларида транспорт воситалари ҳаракатланишининг энг юқори тезлиги соатига 70 километрдан 60 километргача туширилади.

"Солиқчи – тадбиркорга кўмакчи" тамойили амалда

ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР СИЗНИНГ ФОЙДАНГИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда бунинг тенг рақобат шароитларини яратиш мақсадида солиқ юкини пасайтириш ва солиқ тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилмақда. Жумладан, 2022 йил 30 декабрда қабул қилинган "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, солиқ қонунчилигига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Солиқ кодексининг 91-моддаси олтинчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилди:

"Солиқ тўловчи томонидан ариза тақдим этилмаган тақдирда, ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқлар (пенялар, жарималар) суммаси Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестридан чиқарилган солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади".

Қўшилган қиймат солиғи бўйича эса ортиқча тўловни қайтариш юзасидан камерал назорат ўтказиш 60 кундан 30 кунга қисқартирилди. ҚҚС ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга туширилди.

Солиқ кодексига киритилган 266¹-моддага кўра, гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган ёки бекор қилинган солиқ тўловчи томонидан ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммаси ҳисобга олинмайди. Мазкур ҳодисалар юзга келганда, бундай солиқ тўловчига ундан ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммаси унинг харидорларида ҳам ҳисобга олинмайди.


Гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги муносабати билан ҳисобга олиш учун қабул қилинмаган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммаси гувоҳноманинг амал қилиши қайта тикланган тақдирда, гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган санадан эътиборан солиқ тўловчидан ва унинг харидорларида ҳисобга олинади (тузатилади).

Солиқ кодексининг 378-моддаси 16-бандининг бешинчи хатбошиси таҳририга кўра, олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни солиқ даври давомида жами меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг саксон бараваригача бўлган миқдорда (ҳозирги кунда 73,6 миллион сўм) қоплашга, башарти уй-жой фондининг кўчмас мулк объектларини сотиб олиш, қуриш ёки реконструкция қилиш дастлабки бадалнинг ва (ёки) ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисmini қўллаш учун бюджетдан ажратилган субсидиялар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилган бўлса (солиқ олинмайди).

Агар 2023 йил 1 январдан кейин

ипотека кредити ҳисобига сотиб олинган, қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жой фондининг кўчмас мулк объектлари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз олти ой ичида бошқа шахсга ўтказилган бўлса, солиқ имтиёзининг амал қилиши солиқ имтиёзини қўллашнинг бутун даври учун солиқни тўлаш мажбурияти тикланган ҳолда бекор қилинади.

Солиқ кодексининг 470-моддасига қўшимча равишда 470¹-модда (қатъий белгиланган суммадаги солиқ ставкаси бўйича солиқ тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари) киритилди. Унга кўра, жорий йилдан бошлаб айланмадан олинмаган солиқ тўловчилар ихтиёрийлик асосида қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни танлашга ҳақли. Бунда жами даромад суммаси беш юз миллион сўмдан ошмаганда йилига 20 миллион сўм, жами даромад суммаси беш юз миллион сўмдан ошганда эса йилига 30 миллион сўм қатъий белгиланган миқдордаги солиқ тўлашни танлаш ҳуқуқи берилмақда.



Қатъий белгиланган суммадаги солиқ календарь ойдан кейинги ойнинг ўн бешинчи санасидан кечиктирмай ҳар ойда тенг улушларда тўланади.

Маҳаллий ҳокимлик, маҳаллаларда фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда олиб борилган тушунтириш, тарғибот ишлари натижасида 2022 йилда 1386 та, жорий йилнинг январь ойида 125 та юридик шахс мақомидаги янги тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтди. Ўз навбатида, "Солиқчи-кўмакчи" тамойили асосида солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар кенгайтирилиб, тадбиркорлар иштирокида ўтказилаётган очик мулоқотларда солиқ қонунчилиги нормалари, қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича тушунчалар берилмақда.

А.ТЕШАБОВ,
Фарғона шаҳар давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи.

Сенат Раиси: Қонунларнинг аҳоли ва ҳудудлар манфаатларига қай даражада мослиги муҳим



Олий Мажлис Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлисини кириш сўзи билан бошлаган Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борилаётган ислохотларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг натижадорлигини таъминлашда фаол парламент назорати олиб борилаётганига эътибор қаратди.

Қўриб чиқиладиган ҳар бир қонун, ҳар бир масала муҳокамаида инсон ҳақ-ҳуқуқларини, юртимиз тараққиётини таъминлаш, ҳудудлар манфаатларини илгари суриш каби жиҳатларга

алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Халқаро майдонда мамлакатимиз имижини яхшилаш, жумладан, парламентлараро муносабатларни ривожлантириш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш каби муҳим йўналишларда иш олиб борилди. Ўтган йил давомида Сенатнинг 14 ялпи мажлисида давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларига доир 79 қонун қўриб чиқилди. 8 қонун рад этилди. Айтиш лозимки, бу рақам ортида шунчаки қайтарилган қонунлар сони эмас, балки қонунларнинг, аввало, аҳоли ва ҳудудлар манфаатларига қай даражада мослиги нуқтаи назаридан ўтказилган чуқур таҳлиллар ётибди. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашлар, қўмиталар ҳузуридаги салоҳиятли эксперт гуруҳлари ҳам фаол иштирок этаётгани, қолаверса, кенг жамоатчилик фикри инобатга олинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қонунчилик йўналишига оид фаолиятда яна бир яхши амалиёт, яъни амалда бўлиб турган қонунлардаги бўшлиқлар, зиддиятлар ва аҳамиятини йўқотган нормалар бўйича мониторинг ишлари изчил олиб борилди. Хусусан, 20 дан ортиқ қонунни қайта қўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклифлар Ҳукуматга киритилди. Ушбу амалиёт бундан буён ҳам давом эттирилади, — деди Сенат Раиси.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА.

МАФТУНАХОН “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ДАН ЧИҚДИ

Унга субсидия асосида тикув машинаси берилгани айтиш мумкин бўлди. Ўйида ўтириб, фаолият олиб борди. Рўзгорини тебратди, ўзини ўзи иш билан банд қилди ва тез орада “Ёшлар дафтари”дан чиқди. Эндиликда у маҳалласидаги 3 нафар ёшни касб-хунарга ўргатмоқда.



— Туман ҳокимлиги, маҳалла мажлисидаги ёшлар етакчиси Собиржон Ғаниевнинг яқиндан кўрсатган ёрдами туфайли ишга бўлдим, — дейди Қўштепа туманидаги Хумдон маҳалласида яшовчи Мафтунахон Урдушова. — Қолаверса, ўзим сингари уч нафар опа-сингилларимнинг бандлиги таъминланди. Буюртма асосида чок тикиб,

ишимизга қараб маош оламиз. Ўзим хунарим ортидан ойига уч миллион сўмгача даромад топяпман.

Мафтунахоннинг мақсади катта. У яқин кунларда фаолиятини кенгайтириб, маҳалладаги ишсиз аёлларни касаначиликка жалб қилишни режалаштирган.

Ёрқиной ҚОСИМОВА.



ЖССТ ЯНГИ ПАНДЕМИЯ ХАВФИДАН ОГОҲЛАНТИРМОҚДА

Одамдан одамга юқадиган парранда гриппи янги пандемияни келтириб чиқариши мумкин, шу боис жаҳон ҳамжамияти унга тайёр туриши керак, деди чоршанба кўни Жаҳон соғлиқни сақлаш

ташкilotи (ЖССТ) эпидемиолог Ричард Пибоди "El Pais" газетасига берган интервьюсида, деб ёзмоқда РИА Новости.

“Парранда гриппи одамдан одамга ўтиш қobiliятини ўзлаштираётганидан хавотир бор ва бу янги пандемияни келтириб чиқариши мумкин. Биз бунга тайёр туришимиз керак. Илмий доираларда ушбу вирусларнинг генетик кетма-кетлиги ўрганилмоқда, мақсад уларни кузатиб бориш ва зарурат пайдо бўлганида фойдаланса бўладиган арзон вакциналарни яратиш”, — деди у.

Эпидемиологнинг изоҳ беришича, бундан икки-уч йил аввал миллионлаб ёввойи ва уй паррандалари

рини нобуд қилган янги парранда гриппи А (H5N1) вирусининг ўзига хос тури туфайли пайдо бўлган. “Хушёр бўлишимиз керак. Муҳими, одамлар ўлган ёки чалажон паррандаларни ҳамда жониворларни қўлига ушламаслиги керак. Қолаверса, парранда фабрикаси ишчилари ҳам яхши ҳимояланган бўлиши лозим”, — дея огоҳлантиради Пибоди.

Унинг таъкидлашича, мазкур муаммо, айниқса, қишлоқларда камбағал оилалар учун хавфли, чунки аксарият ҳолларда улар уй паррандаларини боқадилар.

Ушбу юқори патогенли грипп пайдо бўлгани ҳақида илк бор 1996 йилда маълум қилинган эди. 2003 йилда касаллик парранда парваришига алоқадор одамларда қайда этила бошланди. Гриппнинг ушбу штамми нафас олиш йўлларидаги пастки қисмларини зарарлайди, натижада вирус пневмонияси ҳамда ўткир нафас етишмаслиги синдромини келтириб чиқаради.

ЎзА.

■ Маҳалла обод — кўнгил шод

КЎРКАМ ҚИШЛОҚЛАР ВИЛОЯТИМИЗДА ЙИЛ САЙИН КЎПАЙМОҚДА

Шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларни янада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига жиддий эътибор берилмоқда. Энг чекка ҳудудларда ҳам йиллар давомида ҳал этилмай келинаётган кўпгина муаммоларга ечим топилиб, аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланиб бормоқда.

Бешариқ туманида ҳам 2022 йил бунёдкорлик ва ободлик йили бўлди. Ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш, мавжудларини реконструкция ва таъмирлаш, янги уй-жойлар бунёд этиш, маҳаллаларни обод қилиш, йўлларни асфальтлаш, тоза ичимлик суви келтириш, электр таъминотини яхшилаш сингари юмушлар қаторида аҳолини иш билан таъминлаш, янги ишлаб чиқариш объектлари барпо этиш, ёшларни қайта касбга ўқитиш, муҳтожларга кўмак бериш ишларига катта эътибор берилди.

2022 йилда туманда қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони 99 тага етиб, ўтган йили улар томонидан 215,2 мил-



лиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Бундай катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари туфайли қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси чирой очди.

“Қуйи Товул” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 120 дан зиёд хонадонга

шу кунгача тоза ичимлик суви кириб бормаган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига

мувофиқ, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Қишлоқда 3 минг 200 метр масофада ичимлик сув тармоғи тортиляпти. Маҳалла аҳли ҳам ҳашар уюштириб, бу ишда фаол иштирок этмоқда.

Маҳаллаларни обод қилишда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг аҳамияти ҳам катта бўлмоқда. Ўтган йили бюджетдан ажратилган маблағлар ҳудудларда яшовчи аҳолининг долзарб муаммоларига ечим бўлди, қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига туртки берди.

“Янги Қашқар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаролар лойиҳанинг ўтган йили кузида ташкилланган иккинчи мавсумида фаол иштирок этиб, ўз ташаббусларининг ғолиблар қаторидан ўрин олишига муяссар бўлишган эди. Шундай қилиб, маҳалланинг таъмирга муҳтож ички йўллари эндиликда қишда лой, ёзда чанг бўлмайди. Лойиҳа доирасида ҳудудда бошланган асфальтлаш ишлари қаттиқ совуқ туфайли тўхтаб қолган бўлса-да, кунлар илиши билан куни кеча ниҳоясига етказилди. Маҳалланинг 2 минг 900 метр масофадаги Тадбиркор ва Ўзбекистон кўчалари кўрса ҳавас қилгудек обод ва кўркем бўлди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасидаги бундай хайрли юмушлар бу йил ҳам изчил давом эттирилмоқда.

А. БОБОЖОНОВ.

Аҳолини рўйхатга олиш:

ТАРИХИЙ ВОҚЕА АРАФАСИДА

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида аҳолини рўйхатга олиш дастлаб 1897 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ўтказилган. Кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда амалга оширилган. Мустақиллик йилларида бу жараён илк марта ўтказилмоқда. БМТнинг 2015 йил 10 июндаги "2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар" резолюцияси қабул қилинган. Унга асосан, республикада ҳам аҳолини рўйхатга олиш йўлга қўйилади.

Мустақил мамлакатимизда бу жараён илк марта ўтказилмоқда. Мухбиримиз мазкур тадбирдан кўзланган мақсад, уни ўтказиш тартиби ҳақида вилоят статистика бошқармаси бош мутахассиси Бобурхон Аҳаджонов билан суҳбатлашди.

– Аҳолини рўйхатга олиш бизга нима беради?

– Ҳар қандай давлатнинг тарихи – биринчи навбатда унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади. Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар рўйхатга олиш асосида олинади. Сиёсий кампания якунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш, келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади. Бу жараён мамлакат аҳолисининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади.

Аҳолини рўйхатга олиш, бу – мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги "фотосурати"ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўлланма тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Ушбу тадбир яна шуниси билан аҳамиятлики, тўпланган маълумотлар ижтимоий ҳимоя, инвестиция, уй-жой, соғлиқни сақлаш, маданият, туризм, таълим, йўл қурилиши ва инфратузилма каби манзилли дастурларнинг тайёрланиши ва амалга оширилишига хизмат қилади. Келгусида аҳолини рўйхатга олиш натижаларига асосланиб, ушбу дастурларни амалга ошириш натижалари баҳоланиб, иқтисодий прогнозлаш ва демографик сиёсатни шакллантириш мумкин бўлади. Биз сўз билан айтганда, бу тадбирнинг асосий мақсади – Ўзбекистонда аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикасини аниқлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш учун зарур бўлган ишончли ахборотни олишдир.

– Рўйхатга олиш қандай амалга оширилади?

– Мазкур жараён уч босқичда олиб борилади. Биринчи босқич – тайёргарлик палласи бўлиб, 2-3 йилга яқин вақт давом этади. Тайёргарлик жараёнида энг муҳим масала аҳолини рўйхатга олишда фаол иштирок этиш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб борилади, реклама роликлари, логотип ва шiorлар ишлаб чиқилади ҳамда бошқа шу каби тадбирлар амалга оширилади.

Яна бир муҳим вазифалардан бири, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик режаларини ва маъмурий туманлар хариталарини тайёрлаш ҳамда уйларнинг рўйхатини тузиш ҳисобланади. Бунда маҳалла, қишлоқ ва овулларнинг чегаралари, кўчаларда ном белгиларининг ўрнатилганлиги, турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони ҳамда уйларнинг рақамланганлиги аниқлаштириб оли-

нади. Бошқача айтганда, рўйхатга олиш баробарида республиканинг янги мукамал харитаси яратилади. Фойдаланилмай ётган ёки муддатини ўтаб бўлган биноларни белгилаб олиш ва тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат объектлари қуриш ва таъмирлаш масалаларига аниқлик киритиш мумкин бўлади.

Тайёргарлик босқичида аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар, жумладан, рўйхатга олиш варақалари, рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилиш методологияси ишлаб чиқилади.

– Бу ишга кимлар ва қай тартибда жалб этилади?

– Рўйхатга олувчиларни танлаш муҳим масалалардан биридир. Чунки маълумотларнинг тўғриллигига бевосита айлани улар масъул бўлади ва шакллантирилган маълумотлар реал бўлиши шарт. Бу жараёнга турли ёшдаги ва касбдаги шахслар жалб этилади. Биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ва унинг ҳудудий органлари ходимлари, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва юқори босқич талабалари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари педагоглари, шунингдек, бошқа тоифадаги шахслар ҳам, улар мазкур жараёнда иштирок этишга рози бўлган тақдирда жалб қилиниши мумкин.

– Рўйхатга олишнинг тартиби қандай бўлади?

– Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Қонунида аҳолини рўйхатга олиш соҳасида давлат органларининг ваколатлари, респондент ва рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Рўйхатга олиш дастури ёши, милли, тилларни билиши, маълумоти, яшаш шароитлари ва яшаш учун зарур бўлган маблаглар манбала-

ри ҳамда бошқа масалаларни ўз ичига олади. Сўров давлат тилида олиб борилади. Давлат тилини билмайдиган респондентлар ўз она тилида ёки бошқа эркин танланган мулоқот тилида сўровда иштирок этишлари мумкин. Рўйхатга олиш бўйича якуний маълумотлар юридик ва жисмоний шахслар учун очиқ бўлади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайтида жойлаштирилади.

– Вилоятимизда аҳолини рўйхатга олиш жараёнига тайёргарлик борасида қандай ишлар олиб борилаётган?

– Албатта, бу муҳим жараёнга бир қатор тайёргарлик ишларини амалга оширдик. Энг аввало, аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот ишлари изчил олиб борилди. Статистика бошқармаси ва унинг қўйи органлари ходимлари иштирокида жойларда давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайтларда мақолалар, телевидение ва радиода кўрсатув ҳамда эшиттиришлар берилди. Кадастр бошқармаси билан ҳамкорликда вилоятимиздаги 1062 та маҳалланинг схематик хариталари ўрганиб чиқилди ва янгиланди. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан рақамланмаган уй-жойлар ва номланмаган кўчаларни аниқлаштириб, бу масала бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Умумдавлат миқёсидаги муҳим тадбирга пухта тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли якунлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

"Фарғона ҳақиқати" мухбири
Абдужалил БОБОЖОНОВ суҳбатлашди.



Вилоятимизда

349 951 та

объектнинг бундай ҳужжати
йўқлиги маълум бўлди

УЙИНГИЗНИНГ КАДАСТР ҲУЖЖАТИ БОРМИ?



2022 йил 18 июлда аҳолига бўлиб берилган экин ерлари ва томорқа участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари 2 миллион 600 мингта аҳоли хонадонларининг кадастр ҳужжати йўқлигини таъкидлаб, бу масалани узил-кесил ҳал қилиш бўйича масъул идораларга бир қатор топшириқлар берган эди.

Давлат кадастрлари палатасининг Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи Равшан Мирзааҳмедов билан мазкур йўналишда вилоятимизда қандай ишлар амалга оширилгани ҳусусида суҳбатлашдик.

– **Равшан ака, дастлаб кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришнинг афзалликлари ҳақида маълумот берсангиз.**

– Аҳолининг кўп йиллардан буён яшаб келаётган хонадонини қонунан расмийлаштириб олиши турли можароларнинг олдини олиш билан бирга, уларга бир қатор имтиёз ва имкониятлар беришини алоҳида таъкидламоқчиман. Кадастри бўлган уй-жой эгалари томорқаси учун кредит, қурилиш ишлари учун субсидия, уй-жойини кенгайтириш учун ипотека кредити олиш имкониятига эга бўлади. Бир сўз билан айтганда, кадастр паспорти аҳолига давлат ташкилотлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш учун керак. Масалан, хонадонга ижарага қўйиш, банкдан кредит олиш, уй-жой олди-сотдиси, ерни ноқонуний эгаллаб олиш ҳолатларини бартараф этиш, пропискага қўйиш ҳамда коммунал хизматлар соҳасидаги тўловлар учун кадастр паспорти жуда муҳим.

– **Вилоятда аҳоли хонадонларининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнлари қандай олиб борилапти?**

– Фарғона вилояти ҳокимининг 2022 йил 11 августдаги қарори билан ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкалари ва уларда барпо этилган кўчмас мулк объектларининг электрон рўйхатини шакллантиришни ташкил этиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳи тузилди. Хатлов ишларини амалга ошириш мақсадида Давлат кадастрлари палатаси Фарғона вилоят бошқармаси томонидан кадастр маълумотлар базасида ҳисобга олинган ҳуқуқ белгилловчи ҳужжати бўлмаган кўчмас мулк объектларининг архив ҳужжатларини ўрганиш ва хатловдан ўтказиш ҳамда “UzKad” дастурида шакллантириш ишлари амалга оширилди. Вилоятда

494 969 та давлат рўйхатидан ўтмаган якка тартибдаги кўчмас мулк объекти белгиланган тартибда хатловдан ўтказилиб, “UzKad” дастурига киритилиши белгиланган эди. Ўтган йил якунига қадар 494 315 та объект мутахассислар томонидан жойида ва мавжуд архив ҳужжатлари асосида ўрганиб чиқилди. Давлат рўйхатидан ўтмаган якка тартибдаги кўчмас мулк объектлари реестри “UzKad” дастурида шакллантирилди.

– **Хатловдан қандай натижалар кутилмоқда?**

– Ўрганишлар натижасида номзод сифатида аниқланган 349 951 та давлат рўйхатидан ўтмаган якка тартибдаги кўчмас мулк объекти реестри “UzKad” дастурига киритилди. Эндиликда ушбу объектлар реестри асосида белгиланган тартибда ҳуқуқлари эътироф этилганидан сўнг, аҳоли яшаш пунктларида мулк ҳуқуқлар вужудга келади, солиқ тўловчилар объектлари ҳуқуқ асосида белгиланади ва мулк низолаз камайишига эришилади. Энг асосий таъкидлаш лозим бўлган масалалардан бири фуқароларимизнинг мулк ҳуқуқларини нотариал тартибда тегишли мулкдорларга, меросхўрларга ўтказиб бериш имконияти яратилади. Бунинг натижасида эса вужудга келаётган мулк низолазларнинг олди олинишига эришилади.

– **Вазифадан келиб чиқиб, ўтган йил давомида эришилган натижаларга тўхталиб ўтсангиз.**

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган регламентга асосан, бугунги кунда юридик ва жисмоний

шахслардан кадастр паспорти тайёрлаш бўйича буюртма аризалар электрон кўринишда келиб тушмоқда. Буюртма аризалар ижроси электрон тартибда таъминланмоқда. Дастур ишга тушганидан буён юридик ва жисмоний шахслардан кадастр паспорти тайёрлаш бўйича 188 599 та мурожаат келиб тушди. 2022 йил давомида 74 896 та мурожаатнинг 55 381 таси ижобий ҳал этилган. Мурожаатнинг кўпайиб бораётгани фуқароларимизнинг ҳуқуқий ҳужжатларга бўлган муносабатлари бир мунча ўсганлигидан далolat беради.

– **Кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун қаерга ва қай тартибда мурожаат қилиш лозим?**

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги қарорида “Ариза берувчи кадастр паспорти олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади” деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрь кунги “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган низомига асосан кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, давлат хизматлари марказига ёки Интерактив давлат хизматлари ягона порталига буюртма берилади.

– **Тўлов қиймати қандай ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади?**

– Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари томонидан кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ишларининг қиймати Вазирлар Маҳкамасининг «Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аниқланади.

Кадастр йиғмажилди шакллантирилгандан сўнг филиал томонидан кадастр паспорти бериш ва кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш (талаб этилганда) учун тўлов миқдори қиймати кўрсатилган хабарнома (инвойс) Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат қилган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади. Ариза берувчи хабарномани олгандан сўнг бир ой мобайнида тўловни амалга оширади. Бу жараён ахборот-коммуникация тизими орқали тасдиқланади. Белгиланган муддатда тўлов бўлмаса, бу кадастр паспорти беришни рад этиш учун асос бўлади. Ушбу ҳолатда ариза берувчи такроран мурожаат қилади.

– **Кадастр (йиғмажилди) паспорти йўқолганда ёки бирон бир ҳолатлар туфайли яроқсиз ҳолга келганда, нима қилиш керак?**

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябр кунги “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига кўра, кадастр (йиғмажилди) паспорти йўқолганда (яроқсиз ҳолга келганда), қоғоз ёки пластик шаклда янги кадастр паспорти икки иш куни мобайнида берилади.

Мазкур қарорнинг 22-бандига асосан, кадастр йиғмажилди (паспорти) йўқолганда (яроқсиз ҳолга келганда ва кўчмас мулк объекти кўрсаткичлари ўзгартрилмасдан) расмийлаштириш бепул амалга оширилади.

Гўзал ОХУНОВА
суҳбатлашди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти:

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ СУД» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловга эришиш даражасини ошириш, одил судловни самарали таъминлашга қаратилган изчил ишлар олиб борилмоқда, кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январда қабул қилинган "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиқлик, шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қаолатини янада кучайтиради.

«Янги Ўзбекистон — янги суд» тамо-

йили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этмоқда.

Айтиш мумкинки, мазкур фармон билан суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли 2023-2026 йилларга мўлжалланган стратегияси ва ушбу стратегияни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури тасдиқланди. Адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш

орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш билан бир қаторда, суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш ва бу борада давлат органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш, стратегия доирасида одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари сифатида белгиланди.

Суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганлигини текширишнинг фуқароларга қулай ва соддалаштирилган тартибини яратиш мақсадида мазкур фармонда биринчи инстанцияда кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш ваколати берилмоқда.

Эндиликда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган

ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш ҳамда юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қуйи судларга юбориш тартибини бекор қилиш ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулиятини юклаш амалиёти жорий қилинди.

Бундан ташқари, фармонда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашув қатъий жазоланиши, судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратилиши белгиланди.

Қолаверса, мазкур ҳужжат билан суд тизими олдида турган долзарб вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун Олий суд тузилмаси мавжуд штат бирликлари доирасида такомиллаштирилиши белгиланди. Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси негизида Одил судлов соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш департаменти, Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси негизида Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази, шунингдек, Ахборот-коммуникация мониторинги — Вазиятлар маркази ташкил этилди ҳамда ушбу тузилмаларнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Шокиржон МИРЗАМатов,
Риштон туманлараро иқтисодий
суди судьяси.

ОГОҲЛИК

ДОВОНДА ҲАРАКАТЛАНИШДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Биз табиат неъматларидан қанчалик баҳра олиб, фаровон ҳаёт кечирсакда, унинг инжиқликлари олдида ўзимизни шунчалик ожиз ҳис этамиз. Гарчи технологиялар, кашфиётлар яратилмасин, табиат алмашинуви натижа-сида содир бўладиган баъзи табиий офатларнинг олдини олишга одамзот ожиз бўлиб қолмоқда. Жумладан, зилзила, сел, сув тошқини, қурғоқчилик, кўчки каби табиат ҳодисалари инсоният турмуш тарзига, ҳаётига хавф солмоқда.



бўлиб, мунтазам жала қуйиши, тоғ қорларининг эриши, тоғ сув ҳавзалари, сув омборлари, музлаган сув ҳавзалари қирғоқларининг ўпирилиб кетиши натижа-сида фавқулодда ҳолат юз беради. Катта ҳажмга ва юқори тезликка эга бўлган сел оқими катта талафот келтиради, бино-иншоотларни бузади, дов-дарахтларни кўприб ташлайди, қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилади. Одамлар ва ҳайвонлар нобуд бўлади.

Афсуски, сув тошқини, кўчки рўй бериши эҳтимол бўлган ҳудудларда жойлашган уй-жойлар ва бошқа объектларда тарғибот, тушунтириш ишлари олиб борилаётган бўлса-да, айрим фуқаролар табиат ҳодисаси юз бериши мумкин бўлган жойларда ўзбошимчалик билан қурилиш ишларини олиб боришаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бундай вазиятда улар нафақат моддий бойлигига, балки ўзи ва бошқа инсонлар ҳаётига хавф солишмоқда.

Мамлакатимизда барча тоғ ва тоғ олди ҳудудлари сел хавфи юқори зоналарга киритилган. Хусусан, "Қамчиқ" довони ҳам мана шундай хавфли ҳудудлар сирасига киради. Ҳеч кимга сир эмас, Фарғона водийсини Тошкент билан боғлайдиган стратегик аҳамиятдаги автомобиль йўлининг "Қамчиқ"

довонидан ўтган қисмида тез-тез кўчки ва сел тошқини бўлиб туради. Шу кунларда "Қамчиқ" довонида 37 та қор кўчкиси хавфи мавжуд ҳудудлар бор. Тоғ қияликларидан қорнинг қалинлиги 250 сантиметрдан ортаган. Шунинг учун ҳам А – 373 "Тошкент – Ўш" автомобиль йўлининг "Шимолий", "Жанубий" айланма йўллари ва "Отар" участкасида қор кўчкиси хавфи эълон қилинди. Автомобиль йўлининг 228-253 километрлар оралиғидаги йўл четларига қияликдан қор массалари тушиши хавфи мавжуд.

Довон орқали ҳаракатланаётган транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун Республика идоралараро штаби, унинг ишчи гуруҳлари томонидан бир қатор ташкилий-техник тадбирлар ўтказилмоқда, хавфли ҳудудларни чегаралаш бўйича огоҳлантирувчи ва тақиқловчи белгилар ўрнатилди. Бироқ хавфсизликни таъминлаш ўзимизга боғлиқлигини унутмайлик. Ҳар биримиздан хушёрлик, сергаклик, огоҳлантирувчи ва тақиқловчи белгиларга қатъий амал қилиш талаб этилади.

Ҳ.БОБОНОВ,
"Қамчиқ" махсус қидирув,
ёнгин-қутқарув бошқармаси
бошлиғи, полковник.

Халқимизнинг "Сув балосидан ўзинг асра" деган нақли замирида ҳам инсон ҳаёти билан боғлиқ вазиятлар мужасам. Шу ўринда сел — сув тошқинига

тўхталиб ўтсак.

Сел — катта миқдорда тоғ тошлари, қум ва тупроқ жинслари билан биргаликда тоғдан оқиб тушувчи сув оқими

Осиё кубоги (U-20)

КАТТА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Гуруҳлар қуйидагича тартиб олган:
"А" гуруҳи: Ўзбекистон, Сурия, Ироқ, Индонезия.

"В" гуруҳи: Қатар, Австралия, Вьетнам, Эрон.

"С" гуруҳи: Корея Республикаси, Тожикистон, Иордания, Уммон.

"D" гуруҳи: Саудия Арабистони, Япония, Хитой, Қирғизистон Республикаси.

1 март куни гуруҳ босқичидаги дастлабки ўйинда мамлакатимиз терма жамоаси "Сурия"га қарши майдонга тушди. Учрашув Равшан Ҳайдаров шогирдларининг устунлигида ўтди. 37-дақиқада Аббосбек Файзуллаев чап қанотда белгиланган жарима зарбасини қойилмақом бажариб, ҳисобни очди. 68-дақиқада эса А.Файзуллаев бурчакдан ошириб берган тўпни рақиб футболчиси боши билан ўз дарвозасига уриб қўйди.

Ўзбекистон термаси 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, дастлабки уч очкога эга бўлди.

Фарғонадаги ўйинда Эрон терма жамоаси минимал ҳисобда Қатардан устун келди (1:0).

Эслатиб ўтамиз: гуруҳда дастлабки икки ўринни қўлга киритган жамоалар 1/4 финалга йўл олади. "А" гуруҳида биринчи ўринни олган жамоа чорак финалда "В" гуруҳидаги иккинчи ўрин эгаси билан ўйнайди. "А" гуруҳининг иккинчи жамоаси "В" гуруҳи ғолиби билан баҳс олиб боради. "С" ва "D" гу-

Ўзбекистон 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё кубоги мусобақасига мезбонлик қилмоқда. Минтақанинг 16 терма жамоаси иштирокида ўтадиган учрашувлар Тошкентдаги "Бунёдкор", "ЖАР", "Локомотив" ва Фарғонадаги "Истиқлол" стадионлари ўтказилмоқда.



руҳларида ҳам худди шу тизим амалда бўлади.

Ярим финал йўлланмасига эга чиққан тўрт терма жамоа шу йил май-июнь ойларида Индонезияда бўлиб ўтадиган U-20 жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритади.

Агар Индонезия ёшлар жамоаси мазкур турнирда ярим финалгача етиб борса, чорак финалда ютқазган жамоалар ўртасида мини-турнир ташкил этилади ва ЖЧга бериладиган яна бир йўлланма эгаси аниқланади.

Ўз мухбиримиз.

Болажонлар шоирани ёд этишди

Фарғона шахридаги "Мурувват" ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия Исроилова таваллудининг 108 йиллиги муносабати билан "Адабиётга ошно қалблар" номли бадий-мусиқий кеча ташкил этилди.

Маънавият ва маърифат тадбирида муассаса директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Нигора Маматусмонова бахт ва вафо куйчиси тимсолига айланган шоиранинг ҳаёти, бой ижодий мероси, давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақида гапириб берди. Сўнгра болажонлар Зулфия шеърларидан намуналар ёд этишди. Улар иштирокида сахна кўри-нишлари намойиш қилинди, баҳорни тараннум этган куй-қўшиқлар оҳангида рақслар ижро этилди.

Барчиной БОТИРОВА,
тарбиячи.

ЭЪЛОНЛАР

"ҚУВАДОНМАҲСУЛОТЛАРИ" АЖ

2022 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2023 йил 23 март куни соат 14:00 да Фарғона вилояти, Қува тумани, "Тошхўвуз" МФЙ, 27-уйда жойлашган "Қувадонмаҳсулотлари" АЖ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият Кузатув кенгашининг бир йиллик фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 2022 йилдаги ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ижро органининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Тафтиш комиссияси ва ички аудитнинг 2022 йил фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2022 йилги баланси, молиявий ҳисоботини тасдиқлаш.

6. 2022 йил якуни бўйича ташқи аудитор ҳулосасини тасдиқлаш.

7. 2023 хўжалик йилида ўтказиладиган жамият фаолиятини текшириш учун аудитор ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақи чегарасини белгилаш.

8. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш.

9. Жамиятнинг 2023 йил учун тузилган бизнес-режасини тасдиқлаш.

10. Жамият бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини тузиш.

11. Кузатув кенгаши таркибига аъзоларни қайта сайлаш.

12. Тафтиш комиссияси таркибига аъзоларни қайта сайлаш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ, 2022 йил якуни бўйича бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда коопера-

ция алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботини эшитиш.

14. Корхонада харидлар жараёнининг шаффофлиги асослиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда, импорт харидларини, шунингдек, валюта ресурсларидан самарали фойдаланиши тўғрисида ташқи аудит ҳулосасини кўриб чиқиш.

15. Корпоратив кодекси талабларига мувофиқ жамиятда 2022 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив баҳолаш бўйича ҳулосасини тасдиқлаш.

16. Йил якуни бўйича Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантиришни тасдиқлаш.

17. "Қувадонмаҳсулотлари" АЖга тегишли алоҳида жойлашган мулккий мажмуалар (масъулияти чекланган жамиятлар) ва корхона таъсисчи бўлган жамиятлардаги улушларини савдога чиқариш ва уни ташкиллаштириш бўйича Давлат активларини бошқариш агентлиги билан бирга хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш тўғрисида.

Акциядорлар реестрининг ёпилиш санаси 2023 йил 28 февраль ва 14 март. Акциядорларни рўйхатга олиш 2023 йил 23 март куни соат 13:00 да Фарғона вилояти, Қува тумани, "Тошхўвуз" МФЙ, 27-уйда жойлашган "Қувадонмаҳсулотлари" АЖ мажлислар залида амалга оширилади.

Акциядорлар шахсларини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида келишлари сўралади. Умумий йиғилишга боғлиқ ҳужжатлар билан "Қувадонмаҳсулотлари" АЖ Қимматли қоғозлар бўлимида танишиш мумкин.

Телефон: 90 301-95-90.

Кузатув кенгаши.

Қирғизистон Республикаси, Ўш шахрида жойлашган Б.Сидиков номли Қирғиз-Ўзбек Халқаро университетини 2023 йилда тамомлаган Ганиева Юнона Шухратжон қизи номига берилган ВПО 00020758 рақамли (034-рақам билан рўйхатдан ўтган) академик маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"БАҒДОДДОНМАҲСУЛОТЛАРИ" АЖ

2022 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2023 йил 24 март куни соат 09:00 да Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Отхона қишлоғи, "Бағдоддонмаҳсулотлари" АЖ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Жамият Кузатув кенгашининг бир йиллик фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 2022 йилдаги ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ижро органининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Тафтиш комиссияси ва ички аудитнинг 2022 йил фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2022 йилги баланси, молиявий ҳисоботини тасдиқлаш.

6. 2022 йил якуни бўйича ташқи аудитор ҳулосасини тасдиқлаш.

7. 2023 хўжалик йилида ўтказиладиган жамият фаолиятини текшириш учун аудитор ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақи чегарасини белгилаш.

8. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш.

9. Жамиятнинг 2023 йил учун тузилган бизнес-режасини тасдиқлаш.

10. Жамият бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини тузиш.

11. Кузатув кенгаши таркибига аъзоларни қайта сайлаш.

12. Бошқарув аъзолари таркибини қайта сайлаш.

13. Тафтиш комиссияси таркибига аъзоларни қайта сайлаш.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ, 2022 йил якуни бўйича бошқарув раисининг ишлаб чиқариш,

маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботини эшитиш.

15. Корхонада харидлар жараёнининг шаффофлиги асослиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда, импорт харидларини, шунингдек, валюта ресурсларидан самарали фойдаланиши тўғрисида ташқи аудит ҳулосасини кўриб чиқиш.

16. Корпоратив кодекси талабларига мувофиқ жамиятда 2022 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив баҳолаш бўйича ҳулосасини тасдиқлаш.

17. Йил якуни бўйича Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантиришни тасдиқлаш.

18. "Бағдоддонмаҳсулотлари" АЖга тегишли алоҳида жойлашган мулккий мажмуалар (масъулияти чекланган жамиятлар) ва корхона таъсисчи бўлган жамиятлардаги улушларини савдога чиқариш ва уни ташкиллаштириш бўйича Давлат активларини бошқариш агентлиги билан бирга хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш тўғрисида.

Акциядорлар реестрининг ёпилиш санаси 2023 йил 28 февраль ва 15 март. Акциядорларни рўйхатга олиш 2023 йил 24 март куни соат 08:00 да Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Отхона қишлоғи, "Бағдоддонмаҳсулотлари" АЖ мажлислар залида амалга оширилади. Акциядорлар шахсларини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида келишлари сўралади. Умумий йиғилишга боғлиқ ҳужжатлар билан "Бағдоддонмаҳсулотлари" АЖ Қимматли қоғозлар бўлимида танишиш мумкин.

Телефон: 91 323-71-40.

Кузатув кенгаши.

Марғилон шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 634-уйда жойлашган "ADA GENERAL BUSINESS" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тарих қатидаги ҳақиқат:

БУХОРО АМИРЛИГИ
ҚАНДАЙ ТУГАТИЛГАН ЭДИ?

(Давоми. Боши ўтган сонда).

1920 йил 21 августда Туркистон fronti қўмондони Михаил Фрунзе ва Туркистон fronti ҳарбий инқилобий кенгаши аъзоси Ю.Иброҳимов РСФСР ҳарбий ишлар халқ комиссари Лев Троцкий номига телеграмма йўллаб, Бухорони босиб олишга ҳамма нарса тайёр эканлигини маълум қилганида, большевикларнинг раҳбарларидан бири Иосиф Сталин бу телеграммага “Ўртоқ Фрунзе рецептига кўра зудлик билан ҳаракат қилинг”, деб резолюция қўйган. Бу жумланинг остига эса Владимир Ленин ва Николай Бухарин “розиман” деб қўл қўйишган.

1920 йил 16-18 августда Чоржўйда Бухоро коммунистларининг 4-съезди бўлиб, унда амирга қарши қўзғолон кўтариш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Большевикларнинг маккорона режалари амалга оша бошлаган. Тарихда “ялпи қўзғолон” деб аталган ҳаракат 1920 йил 23 августда коммунист Бешим Сардор бошчилигидаги ёлланма туркман отлиқларининг Чоржўй яқинидаги Сақор Бозор қишлоғини ишғол қилиши билан бошланди. Бешим Сардор ва Янги Чоржўй коммунистлари дарҳол Эски Чоржўйни ишғол қилганлар, юздан ортиқ амалдорлар қамоққа олинган. Чоржўй беклиги хазинаси қўлга киритилиб, бу бойлиқлар Чоржўй ревкоми ва янги ҳукумат қўлига ўтган. Большевиклар билан бўлган аввалги келишувга кўра, шу куни Чоржўй ревкоми “Бутунбухоро халқи номидан” Туркистон fronti қўмондонлигига ҳарбий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Ваҳоланки, Бухоро халқи коммунистлар съезди қароридан ҳам, Бешим Сардор исёнидан ҳам бехабар эди. Хуллас, Бухоро тақдири қизил қўшин ихтиёрига топширилди.

Михаил Фрунзе “ёрдам” сўраш тўғрисидаги мурожаатни олгач, Туркистон fronti қўшинларини тўртта зарбдор гуруҳ (Самарқанд, Каттақўрғон, Чоржўй ва Когон)га ажратади. Самарқанд гуруҳи 29-30 августда Шахрисабз-Китоб йўналиши бўйлаб ҳаракат қилиб, Қарши ва Ғазорни эгаллаши, Каттақўрғон гуруҳи эса шу кунлари Хатирчи, Зиёвуддин ва Карманани олиши, Чоржўй гуруҳи Эски Чоржўйни эгаллаб, Амударёнинг Афғонистон билан чегараларини назорат қилиши, Фороб ва Қоракўлни босиб олиб, қўшимча буйруқни кутиб туриши лозим эди. Асосий вазифа Когон гуруҳи зиммасига юкланди. У Эски Бухоро шаҳрини босиб олиши, амир Олимхонни асирга тушириши ва Арки олийдаги хазинани эгаллаши керак эди.

1920 йил 25 августда қўмондон Михаил Фрунзе Туркистон fronti қўшинларига “қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида” буйруқ берди. Зарбдор гуруҳларнинг қўпчилигига дастлабки марраларни эгаллаш ва 29 августга ўтар кечаси фаол ҳаракатларни бошлаш буюрилди. Босқинчи қизил армия томонидан пойтахт Бухоро шаҳрига ҳужум ҳам 29 августга ўтар кечаси бошланди.

Эски Бухоро шаҳри 29 августдан бошлаб ҳам ҳаводан, ҳам ердан қаттиқ бомбардимон қилинган. 1-2 сентябрь кунлари Бухоронинг Қарши дарвозасигача келган темир йўлда турган бронепоезд ҳамда Самарқанд, Шайх Жалол, Намозгоҳ дарвозалари яқинида жойлаштирилган тўплардан шаҳарга 12 мингта снаряд ташланган, 12 та ҳарбий аэроплан эса шаҳар устида 3 кун мобайнида бомба ёғдирган. Бир неча юз минг дона патрон сарфланган. Шаҳарнинг Қарши ва Самарқанд дарвозалари тагига 800 килограммдан ортиқ порох кўмилиб портлатилган. Қўлаб тушган дарвозалардан қизил аскарлар шаҳарга бостириб кирганлар. Муқаддас Бухорои шарифда қақшатқич кўча жанглари бошланиб кетган.

Амир Олимхон шаҳар обидалари ва аҳолини омон сақлаш мақсадида пойтахт Бухоро шаҳрини ташлаб чиқиб кетган. Қизил қўшин аэропланлари уни қидириб топиш баҳонасида Бухоро шаҳридан ташқари шаҳар атрофидаги қишлоқларни, тарихий обидалардан Ситораи Моҳи Хосани бомбардимон қилган. Шафқатсиз ўқ ёмғирлари ва бомбардимон натижасида шаҳар обидаларининг бешдан уч қисми вайрон қилиниб, минглаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлган.

Шундай қилиб, 1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тузуми қизил аскарлар томонидан қурол кучи билан ағдариб ташланди. Ўша куни қизил аскарлар Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи – Арк (Арки олий)ни эгаллаб, унинг устига ўз байроқларини тиклади. Қизил армиянинг Бухородаги босқинига бошчилик қилган Михаил Фрунзе Москвага – Владимир Ильич Ленинга телеграмма йўллаб, Эски Бухоро қалъаси қўлга киритилганлиги ҳамда “Бухоро мустабидлари ва қора гуруҳларининг охириги таянчи тугатилган”лигини “зўр мамнуният” билан таъкидлаган.

Бухоро шаҳрини босиб олган қизил аскарлар Аркдаги амир хазинасини, Бухоро қозикалони, қушбегиси ва бошқа сарой амалдорларининг бутун бойлиқларини талон-торож қилганлар. Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташлангач, ўша пайтда жаҳондаги энг катта хазиналардан бири ҳисобланган амирликнинг бутун хазинаси икки эшелонда (ҳар бир эшелонда 20 та қизил вагон бўлган) Москвага жўнатишган.

Баъзи манбаларга қараганда, Файзулла Хўжаев бошчилигидаги БХСР раҳбарлари хазинанинг бир қисмини большевиклар талон-торожидан асраб қолишга муваффақ бўлишган. Улар бу хазинадан кейинчалик Бухорода республика тузуми асосларини қарор топтиришда, бухоролик талабаларни Германия, Туркия ва бошқа мамлакатларда ўқитишда фойдаланишган. Олтин (қўйма олтин ва тилла тангалар), қимматбаҳо тошлар ва нодир буюмлардан иборат бу хазинанинг умумий қиймати ўша пайтдаги нарх билан 77 миллион тилла сўм (бугунги баҳода тахминан 80 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил қилади.

Саййид Мансур Олимий (Амир Саид Олимхоннинг ўғли, 1931 йил Афғонистонда туғилган) томонидан ёзилган “Бухоро Туркистон бешиги” асарида қизил армиянинг Бухорога босқини ва амирнинг Бухоро тақдири ҳал қилинаётган фурсатдаги тадбири қуйидагича ёритилган: “Тунги соат икки яримда Фрунзе лашкарлари Бухорога ҳужум бошлади. Ўн икки аэроплан Бухорони кеча-кундуз бомбардимон қилди. Натижада 50 мингдан ортиқ эркак ва аёл, болалар ҳалок бўлди, уйлар, масжидлар, мадрасалар, тижоратхоналар вайрон этилди. Амир томонидан ҳозирлаб қўйилган жанг анжомлари, захиралари вайрон этилиб, коммунистлар тарафидан ёндириб юборилди.

Амир Олимхон тўрт кунлик жанглардан сўнг Бухоро аҳолиси жонини сақлаб қолиш мақсадида ҳамда душманларга қарши жанг қилиш учун ўз кучининг заифлигини англаб, курашни тўхтатишга мажбур бўлди. Шанба куни Ситораи Моҳи Хоса боғини тарк этиб, пайшанба куни Афғонистон элчиси Абдушукрхон, Тошкентдаги элчи Муҳаммад Асламхон Сайғони миришкор, афғон лашкари қозиси ҳамда 25 минг Бухоро ва афғон сарбозлари иштирокида Ғиждувон орқали ватандан чиқиб кетди”.

Ўша давр воқеаларининг бевосита шоҳиди бўлган маҳаллий тарихчи Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг “Тарихи нофеий” (“Фойдали тарих”) асарида қизил аскарларнинг Бухорога босқини оқибатларини қуйидагича тасвирлайди: “Бухорони босиб олиш натижасида 34 та гузар, 3 мингдан ортиқ дўкон, 20 та сарой, 29 та масжид ёниб хароб бўлди. Минораи Калонга ҳам зарар етиб, Олимхон ва Мир Араб мадрасалари қисман ёниб кетди... Ҳазрати Имом дарвозасидан Гузари Назаргача, Қофиробод, Ўғлон дарвозаси, Масжиди Калон, Зиндондан Тўқумдўзий ҳаммомига-ча, минора остидан то Сўзангарон даҳаси, Гулбозор, Латтафурушлар растаси, Регистондан то Пули Ошиқоннинг бошигача батамом ёниб кетди. Қарши дарвозаси ҳам ёниб битди. Шаҳарда уч мингта яқин ҳовли ёниб кул бўлди. Бухоро шаҳри қарийб 20 кун ёнганди. Бухоронинг шу даражада хароб бўлганини ҳеч бир тарих кўрмаган эди”.

Бухороликлар бу кунларни “кичик қиёмат” деб аташган.

Қаҳрамон РАҲБАВОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.



МУАССИС: «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalari tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
	Газета “Полиграф-пресс” МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 2079 нусхада чоп этилди. Буюртма №: 145. Босмахона манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.	Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ.		Саҳифаловчи: Достонбек Холматов. Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 17.00.
Газета ҳафтанинг жума куни чиқади.	★ Баҳоси келишилган нархда.	★ Навбатчи муҳаррир: Муаттар Маҳмудова.

